

ЎЗБЕК ТИЛИДА ДИГНИТОНИМЛАР ТАДҚИҚИ
Максуда Нишоновна ХУСАНОВА
тадқиқотчи
Ренессанс таълим университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ўзбек тилида дигнитонимлар ва уларнинг шаклланиши, ўзбек ономастикасининг кўламлари ҳақида ҳам маълумот берилган. Шунингдек, дигнитоним (унвон)нинг тадқиқлари ўрганилиб, таҳлил қилингандан.

Таянч сўзлар: унвон, кўлам, рағбатлантириш, ономастика, дигнитоним, титул, мансаб.

ИЗУЧЕНИЕ ДИГНИТОНИМИМОВ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Максуда Нишоновна ХУСАНОВА
исследователь
Университет образования Ренессанс
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье приведены сведения о дигнитонимах в узбекском языке и их образовании, а также о сфере применения узбекской ономастики. Также были изучены и проанализированы исследования дигнитонима (титула).

Ключевые слова: звание, сфера деятельности, поощрение, ономастика, дигнитоним, должность.

Жамият ўз-ўзидан ривожланмайди, балки мақсадга мувофиқ ижтимоий фаолиятни рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, ахборот технологияларини барча соҳаларга жорий қилиш, шунингдек, иқтисодиёт, таълим-тарбия, ички ва ташқи сиёсатда янги инновацион янгиликларни амалда қўллаш билан ривожланади. Натижада, муваффакиятларга эришганларни рағбатлантириш эҳтиёжи туфайли унвон, орден, медал , кўкрак нишони мажмуини ўзида жамлаган дигнитоним ва фалеронимларга эҳтиёж юзага келади. Кишилардан энг фаоллари ва илгорлари унвонлар билан тақдирланади. Юқорида зикр этилган дигнитоним (унвон, мансаб) лексемаси тилшуносликнинг номшунослик бўлимида ўрганилади.

Маълумки, ўзбек ономастикаси (номшунослик)нинг қуйидаги кўламлари мавжуд: суперкўлам, микрокўлам ва макрокўлам. Бу кўламлар

бир-бир билан ўзаро муносабатда бўлиб, бири иккинчисидан ташкил топади, бири иккинчисининг давоми бўлади ёки бири иккинчисини тўлдиради. Антропонимия, зоонимия, космонимия, топонимия, гидронимия, идеоним, порейоним ва мифонимия каби макрокўламлар давомли микрокўламларга бўлинади. Суперкўламлар эса тузилиши ва таркибига қўра қуидаги икки турга ажралади:

- 1.Кўламлари бўлинадиган макрокўламлар.
- 2.Кўламлари бўлинмайдиган макрокўламлар .

Бўлинмайдиган макрокўламларга дигнитоним, фалероним, фитонимия, теонимия, политоним, эргоним, хрононим каби атоқли отлар киради. Илмий манбаларда тилга олинса-да, маҳсус ўрганилмаган, етарлича тадқиқ этилмаган атоқли от турларидан бири дигнитонимлардир. Дигнитоним лотинча “*dignitas*” – “ қадр- қиммат, хизмат ёки тақдирлашга лойик иш “ каби маъноларни билдиради.

Э.А.Бегматовнинг таъкидлашича: ”Дигнитоним – фахрий унвонлар мансаблар ва ш.к .атоқли оти” [5]. Демак, дигнитоним – кишиларнинг жамиятдаги фаолияти ҳамда қилган ишлари учун маънавий, маърифий ва руҳий жиҳатлардан рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган унвон (фахрий, диний ва илмий унвонлар)ларнинг атоқли оти. Дигнитонимларнинг маълум мақсадларда шаклланиши ва яратилиши билан мана шу мақсадларга мувофиқ бўлган эстетик ҳамда мантиқийлик (логик)ка хос маъновий компонентлар ҳам [14] ономастик лексикада ўз ифодасини топади. Бу айтилганлардан кўриниб турибдики, сўзлар (ўзи ифодалаётган нарса ва ҳодисаларнинг номи) ҳам тил бирликларига хос номланишда [11], ҳам ономастик бирлик (яъни атоқли от)ларга хос номланишларда фаол қўлланилади. Демак, сўзлар нарса ҳамда ҳодисаларни номлашга бўлган табиий эҳтиёж туфайли шакллангани каби, дигнитонимларнинг яратилиши, жамият аъзоларининг у билан тақдирланиши эса, ўзига хос ижтимоий эҳтиёжнинг ортиб, кўпайиб борганидан далолат беради.

Агар тарихга эътибор қиласиган бўлсак, турк халқарида дигнитонимларнинг қўлланиши VII–VIII асрларга бориб тақалади. Ўрхун – Энасой ёдгорликларида, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий асарларида батафсил ёритилганини кўрамиз. Турк хоқонлигининг бошқарув тизимида дигнитонимлар муҳим ўрин тутган. Агар ёдгорликлардаги унвон ва мансабларга эътибор берсак, *bag* – бек, *at* – унвон, *yuz basi* – юзбоши, *bas* – бошлиқ, раҳбар, *qap-* хоқон, *apatarqan* – бош қўмондон маъноларида қўлланилгани, Тўнюқуқ битигтошидаги битигни Тўнюқуқ ҳаётлигига ўзи томонидан ёздирганини, шунингдек, Тўнюқуқ қаҳрамонликлар кўрсатиб, “*шад*“ унвонини олиши эрамизнинг 700 (етти юзинчи) йилларида рўй бергани ёдгорликларда қайд этилган.

Профессор Насимхон Раҳмоновнинг таъкидлашича, шад унвони қондош ва бирор беклик ёки вилоятга ҳокимлик қилган шоҳзодаларга берилган [12]. Жумладан, Култегин битигтошида *at* сўзи унвон маъносида ишлатилганини кўриш мумкин. Барс бек эди, хоқон деб биз бунда унвон (от) бердик [7]. Юқорида тилга олинган *at* сўзи Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону лугатит турк” асарида “от, исм; лақаб, унвон” маъноларида қўлланилган: “*bag anar at bardi*”, яъни “бег унга унвон берди” [17]. Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг» асарида эса “исм, ном, унвон” маъноларида ишлатилган: “*Ota orni ati oyulqa qalir* – Ота ўрни ва унвони ўғилга қолади” [7].

Демак, унвон сўзининг маъносини *at* сўзи орқали битигтошларда, М.Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб асарларида қайд этилиши, дигнитонимларнинг шаклланиши даври қадимий эканлигидан далолат беради. Дигнитонимларнинг шаклланиши тенгсизлик ва табақаланиши юзага келган даврларга бориб тақалади. Қадимда мансаб-унвонлар бир хил қийматга эга бўлган. Масалан, хон дигнитоними “хон, султон, давлат бошлиғи” каби маъноларни билдириб, у қуйидагиларни англатган: 1) хон, император; 2) хон фақат хонлар авлодидаги султонларга берилган.

Хозирги ўзбек тили изоҳли луғатида унвон сўзи арабча сўз бўлиб, учта маънога эга: “Унвон/*a.* — адрес; сарлавҳа, ном; белги, рамз) 1.Эск. Мактуб устига ёзилган ном, қаерга, кимга жўнатилганлик ҳақидаги ёзув. 2.Бирор иш-фаолият соҳасидаги алоҳида хизматни ёки мутахассислик даражасини расман эътироф этадиган, ваколатли органлар томонидан белгиланадиган ва бериладиган ном. 3. Эск. Мерос бўлиб келадиган ёки иш-вазифа даражасини кўрсатувчи, шунингдек, инъом қилинган хурматли, фахрий ном” [15]. Кўриниб турибдики, мутахассислик даражасини расман эътироф этиладиган; ваколатли органлар томонидан белгиланадиган ва бериладиган ном, мерос бўлиб келадиган ёки иш-вазифа даражасини кўрсатувчи ҳамда инъом қилинган хурматли, фахрий номлиликни ифодаловчи сўз дигнитонимлиликни англатувчи унвоннинг маъносини англатади. Масалан, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон ифтихори, Ўзбекистон Республикаси ҳалқ шоири, майор, подполковник, профессор, муфти, имом каби унвонлар. Унвонлар диахрон аспектда ҳукмдорлар томонидан алоҳида хизмат кўрсатган кишиларга бериладиган ва мерос бўлиб ўтадиган номни ифодаласа, синхрон аспектда унвон давлат томонидан кўрсатган хизматлари, фидокорлиги учун берилади, бироқ мерос бўлиб ўтмайди.

Тилшунос олимлари томонидан мансаб—унвон номлари тадқиқ этилиб, диахрон аспектда ёритилган. Туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили тарихининг турли сатҳлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган Г.Дёрфер, И.Березин, Б.Греков, Л.Будагов, В.Бартольд, В.Радлов, А.Матғозиев, Б.Бафоев каби олимлар томонидан бажарилган лексикологик ва лексикографик ишлар катта аҳамиятга эга. Ўзбек олимларидан Х.Дадабоев, Н.Аҳматов, З.Холманова, А.Мўминова, А.Ўрзобоев олиб борган тадқиқотларда ҳам эски ўзбек тилидаги ёдгорликларда қўлланган мансаб ва унвон номларига қисман тўхталиб ўтган. Хива хонлигидаги давлат бошқарув тизимиға оид мансаб ва унвон номлари М.Й. Йўлдошевнинг ишида тадқиқ этилиб, уларнинг вазифалари изоҳланади [8]. Шунингдек, Хива хонлигидаги

мавжуд бўлган мансаб ва унвон номларини тадқиқ этишга бағишлиланган ишлардан яна бири Н.А.Баскаков томонидан амалга оширилган бўлиб, бунда олим унвон номларини олти гурухга ажратиб ўрганган [3]. Ҳ.Дадабоев XI–XIVасрлар туркий ёзма ёдгорликлар тилидаги мансаб–унвон сўзларни қуидагича таснифлайди: 1. Давлат аппарати унвонлари номлари: а) сарой хизматидаги унвон номлари; б) маъмурий бошқарув ходимларининг унвон номлари; в) вилоят ва шаҳар бошқарувида масъул шахс унвон номлари. 2. Диний унвон номлари [6].

Ижтимоий-сиёсий тушунчани ифодаловчи мансаб–марtabани билдирувчи лексема бўйича З.Холманова тадқиқот ўтказиб, уларни олти кичик гурухга бўлади [13]. Ўзбек тилида мансаб ва унвон номларининг лексик-семантик таркиби мавзусида А.Мўминова тадқиқот олиб бориб, унвон номларини маъносига кўра уч гурухга, яъни олий унвонлар, фахрий унвонлар, маҳсус унвонларга таснифлайди [9]. Юқоридаги тадқиқотларни ўрганган ҳолда унвонларнинг маъноларини қуидаги беш гурухга бўлиб тадқиқ этишини лозим топдик: 1. Олий унвон. 2. Фахрий унвонлар. 3. Илмий унвонлар. 4. Ҳарбий унвонлар. 5. Диний унвонлар.

Олий унвон. "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги 1038-XII-сон Конуни билан тасдиқланган [1].

Мазкур унвон олий даражадаги мукофот бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона жасорат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлари учун берилади.

Бу унвон Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади. Унвон бериш тўғрисидаги Фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентига "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони бериш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади. Унвон билан тақдирланган шахсга "Олтин Юлдуз" медали

топширилади. Жумладан, А.Орипов, Э.Вохидов, Сайд Аҳмад каби шоир ва ёзувчиларимиз “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланганлар.

Фахрий унвонлар. Мазкур унвон «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да кўйидагича изоҳланган: «Бирор иш-фаолият соҳасидаги алоҳида хизматни ёки мутахассислик даражасини расман эътироф этадиган, ваколатли органлар томонидан белгиланадиган ва бериладиган ном» [15]. Мазкур фахрий унвонлар ўз соҳасида ёки мутахассислигида ихтиро ва кашфиётлар яратган ёки юқори кўрсаткичларга эришган шахсларга берилади. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мукофоти тўғрисида”ги Қонуни 2-бобининг 4-моддасида [2] 34та фахрий унвонлар тўғрисида маълумот берилган. Фахрий унвонларни, асосан, давлат таъсис этади. Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари кўйидагилардан иборат:

«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби», «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби», «Ўзбекистон ифтихори», «Ўзбекистон Республикаси ҳалқ артисти», «Ўзбекистон Республикаси ҳалқ бахшиси», «Ўзбекистон Республикаси ҳалқ ёзувчиси», «Ўзбекистон Республикаси ҳалқ рассоми», «Ўзбекистон Республикаси ҳалқ устаси», «Ўзбекистон Республикаси ҳалқ шоири», «Ўзбекистон Республикаси ҳалқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикаси ҳалқ ҳофизи», «Ўзбекистон Республикасида коммунал, майший ва савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходим», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи», «Ўзбекистон Республикасида

хизмат кўрсатган саноат ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» [2]. Турли соҳа вакиллари ўз фаолиятида эришган ютуқлари, муваффақиятлари, ихтиrolари учун рағбатлантириш мақсадида тақдирланади.

Илмий дигнитонимлар. Эски ўзбек тилида ҳам аълам, домла, мударрис, охунд каби мансаб ва илмий унвонлар диний тизим ҳамда таълим тизимида фаол қўлланилган. Давр ўзгариши натижасида бошқа тиллардан ўзлашма сўзлар фан ва таълим тизимига ҳам кириб келган. Катта илмий ходим, доцент, профессор, академик сингари унвонлар илмий тадқиқот ишларини олиб бориб, муваффақиятларга эришган олимларга берилади. Масалан, профессор лексемаси ўзбек тили изоҳли лугатида қўйидаги изоҳланган: Профессор (лот. – муаллим, ўқитувчи, мураббий) олий ўқув ютидаги энг малакали ўқитувчиларнинг, шунингдек, илмий тадқиқот институтларидағи илмий ходимларнинг илмий унвони ва лавозими; шундай унвон ва лавозимли шахс. Университет профессори [15].

Ҳарбий унвонлар. Ҳарбий соҳа вакилларининг мутахассислиги бўйича унвонлари бўлиб, улар эришган натижа ва ютуқларига қараб берилади. Ҳарбий унвон номлари диахрон ва синхрон аспектда олганда ҳам бирбиридан фарқланади. Ҳарбий унвонлар бўйича Ҳ.Дадабоев, А.Матғозиев, А.Иброҳимова, А.Ўрзобоевларнинг илмий ишларида қайд этилади. Ҳ.Дадабоевнинг эски ўзбек тилидаги ҳарбий терминларнинг лисоний тадқиқи мавзусидаги номзодлик диссертацияси, мақола ва лугатларида

ҳарбий соҳаларга оид луғавий бирликлар унинг кўп қисмини ташкил этиб, унвонлар номларини эса тўлиқ қамраб олмаган. А.Матғозиев илмий мақоласида Мунис ва Оғаҳийнинг тарихий асарларидан ҳарбий терминларга оид мисоллар келтирган. Ушбу илмий мақолада ҳарбий терминлар тўлиқ тадқиқ этилмаган. А.Мўминова ҳарбий мансаб ва унвон номларини илмий тадқиқотида биргаликда тадқиқ этади. А.Ўрзобоев эса Оғаҳийнинг тарихий асарларида ҳарбий мансаб ва унвонларни қисман ёритиб берган. Шу ўринда биз ҳарбий унвонлар қадимдан қўлланиб келинганини кўришимиз мумкин. Кўшбеги – қўшин бошлиғи, олий ҳарбий унвон. Тўқсона – ҳарбий бўлинма бошлиғи, полковник маъносини билдиради. Бекларбеги, қўрбоши – ҳарбий унвонлар бўлиб, қурол-аслаҳа омбори, қўрхонанинг бошлиғи маъносини англатса, ясовул унвони уруш вақтида сараланган жангчилар бўлиб, ҳозирги офицер таркибидаги аскар вазифасини бажарган. Кўрбоши, мингбоши, юзбоши, ўнбоши, саркарда, ясовулбоши каби ҳарбий унвонлар кейинчалик рус тилининг таъсири натижасида истеъмолдан чиқади. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Туркистон Россия мустамлакасига айлангач, старшина, лейтенант, капитан, майор, полковник, генерал, маршал каби унвон номларини ифодаловчи ўзлашма сўзлар луғатимизда ишлатила бошлади.

Диний унвонлар. Араблар истилосидан кейин туркий халқларнинг давлат бошқарувида диний уламолар асосий ўрини эгаллайди.

Шайх – тасаввуфнинг тариқатига кирган шахслар. Ўрта Осиёда диний билимга эга кишилар ва уламолар исмига қўшиб айтилган унвон бўлиб, ёши катталарга хурмат юзасидан ишлатилади. Шунингдек, диний фанларни чуқур билган олимлар ва диний йўлда катта обрў-эътиборли шахсларга нисбатан ҳам қўлланилган. А.Отажонова шайх сўзи унвон, мансаб номлари асосида пайдо бўлган этномим эканлигини [10], А.Н.Басқаков эса «ҳурматли ва ахлоқли одам; жамоа, қабила бошлиғи; эркаклар ибодатхонаси бошлиғи» [4] деб таъкидлайди.

Шайхулислом унвони ислом дини бўйича алоҳида хизмат кўрсатган кишиларга бериладиган ном. У арабчада “диний раҳбар”, «Ислом дини шайхи» маъноларини билдиради. Диний қонунларни шарҳловчи факих ва суфийларга X асрдан фахрий унвон сифатида берила бошлаган. Бу унвон Туркияда XVI асрдан XX аср бошларигача, Бухоро амирлигига энг олий унвон ҳамда лавозим сифатида ишлатилган. Ҳозир баъзи ислом мамлакатларида диний раҳбарни муфти деб номланади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, дигнитонимлар ақлли, доно, тажрибали, билимли, тадбиркор кишиларни рағбатлантириш мақсадида унвон ва мансаблар ҳалқ, давлат ҳамда ҳалқаро ташкилотлар томонидан ҳам таъсис этилади ва берилади. Унвонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида таъсис этилади ва Президент томонидан топширилади. Тарихий ва замонавий мазмундаги дигнитоним номларида миллий ва умумий инсоний қадрияту анъаналар ва урф-одатлар ўз ифодасини топган. Улар амалда фаол қўлланилса-да, монографик тарзда тадқиқ этилиши лозим.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва олий нишон – «Олтин Юлдуз» медалини таъсис этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 май 1038-XII-сон Қонуни. www/Lex.uz
2. Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси 1996 йил 26 апрел 227-I-сон Қонуни. www/Lex/uz
3. Басқаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего 1/хивинского ханства //Советская тюркология, 1989. – №1.– С.63-70.
4. Басқаков Н.А. Русские фамилии тюркского происхождения. – Москва: Наука, 1979. – 235 с.
5. Бегматов. Э.А. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013.

6. Дадабоев X.Общественно-политических и сациально-экономическая терминология в тюрко язычных писменных памятниках XI-XIV в. – Ташкент: Ёзувчи, 1991.
- 7.Дустмуродов М. Ўрхун- Енисей битигтошидаги ҳарбий терминлар тадқики: Фил.фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) дис... автореферати. – Тошкент, 2023. – 17 б.
8. Йўлдошев М.Й. Хива хонлигига феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – Тошкент: Уздавнашр, 1959.
9. Мўминова А.К. Ўзбек тилида мансаб ва унвон номларнинг лексик-семантик таркиби: Филол.фланлари ном....дис.автореф. – Тошкент, 2000.
10. Отажонова А. Хоразм этнотопонимлари. – Тошкент: Фан, 1997.
11. Подольская Н. В. Словарь русской ономастической терминологии. – Москва: Наука, 1988. – 188 с
12. Раҳмонов Н.Турк хоқонлиги. – Тошкент, 1993.
13. Холманова З. “Бобурнома” лексикаси. – Тошкент: Ёзувчи, 1991.
14. Языковая номинации (общие вопросы) //Соотношение эстетического и логического компонентов и лексической номинации. –Москва: Наука, 1967.
- 15.Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 316 б.
- 16.Ўрзобоев А. Оғаҳийнинг тарихий асарлари лексикаси: Монография. – Тошкент, 2010.
17. Қошғарий, Маҳмуд. Девону лугатит турк. 3 жилдлик. 1жилд. – Тошкент: Фан, 1960.